



226

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод қо'рғ'они.  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самарқандского района, Самарқандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «9» июн

№ 789-к

Самарқанд туман “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ф. Қосимова агротехсервис” агрофирмаси худудидан фуқаро Абдулов Аловсатга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа қишлоқлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа қидирув институтининг 2015 йил 26 майдаги № 05-15/48-318 сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 30 апрелдаги 495 сонли хулосаси ва фуқаро Абдулов Аловсатнинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ф. Қосимова агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 325 контуридан фуқаро Абдулов Аловсатга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун жами 0,10 га (шундан: 0,10 га туман ваҳирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Абдулов Аловсатга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 84 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров